



**ЛОЙИХА ТОПШИРИК**  
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚЎҚОН ШАҲРИ 15 СОЎЛИ МАКТАБ**  
**БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ**


№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Буюртмачи:	Қўқон шаҳар Халқ таълим бўлими
2	Лойиҳа учун асос:	Тасдиқланган харажатлар сметасига асосан ажратилган
3	Буюртмачининг юридик манзили:	Қўқон шаҳар Озодлик хиёбони кўчаси 20а уй.
4	Объект номи:	Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида жойлашган 15 соғли мактаб биносини жорий таъмирлаш
5	Қурилиш тури	Жорий таъмирлаш
6	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети
7	Лойиҳачи ташкилот-бош лойиҳачи номи	“Қурувчи мемор сервис” МЧЖ
8	Смета хужжатларини тузиш услубига қўйиладиган талаблар.	<p>Смета хужжатларини амалдаги меъёр ва қондаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқилсин.</p> <p>Смета хужжатларини нархларни амалдаги тартибда ҳисоблансин (каталог асосида).</p> <p>Тақдим этиладиган смета хужжатлари таркиби қуйидагилардан иборат:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жамланган ресурс ведомости;</li> <li>- Жамланган ресурс смета.</li> </ul>
9	Лойиҳа-смета хужжатлари бўлимларининг таркиби.	СМ (смета хужжатлари).
10	Қатнашувчилар учун талаблар:	<p>Танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза</p> <p>Статистика бошқармаси томонидан ташкилотни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси</p> <p>Давлат Солиқ қўмитасидан (Солиқ қарздорлиги тўғрисида) маълумотнома (акт сверка) асли.</p> <p>Банкдан картотека бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотнома (форма-2).</p> <p>Қорхонада малакалий ходимларнинг мавжудлиги, маълумоти ва мутахассислиги (диплом ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар иловалар қилиниши шарт) Бино-иншоот, автомашина техника технология, асбоб</p>

		укуналар рўйхати (Техпаспорт, ҳисоб-фактура, ижара шартномаларидан нусха). Қурилиш пудрат ташкилотининг электрон рейтингда камиди DDD даража Ушбу ишлар бўйича ишлаб чиқилган офёртаси, тижорат таклифларда иш (хизмат)ларини бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда бўлсин.
11	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Шартнома имзолагандан сўнг 5 иш куниди 30% тўлаб берилади. Қолган 70% экспертиза ҳулосасида кўрсатилган сумма бўйича Ф-2.Ф-3 асосан тулаб берилади
12	Иш бажариш муддати	2022 йил 4-чорак октябр ойи давомида
13	Меҳнат хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнида ходимлар хавфсизлигига тўлиқ, жавобгарлик иш бажарувчига юклатилсин.
14	Ёнғин хавфсизлиги бўлимининг ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.	Бўлимни амалдаги меъёр ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш, шунингдек ШНК "Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги" дан фойдаланган ҳолда.
15	Қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси	II тоифа
16	Қўшимча талаблар	Ишчи лойиҳалар 3 нусхада ва электрон шаклда (PDF форматда) тақдим этилиши керак. Лойиҳани экспертизадан ўтказиш учун техник кузатувни амалга ошириш ва ваколатли ташкилотлар билан лойиҳанинг айрим қисмларини тегишли тартибда келишиб олиш.
17	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Бўлимни амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларга асосланиб ишлаб чиқиш.
18	Буюртмачи суммаси йиғма экспертизаси ҳулосаси №56834 га асосан	67 835 762 (олтмиш етти миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз олтмиш икки) сўм ҚҚС билан
19	Шартнома валютаси	Миллий валютада
20	Танлов тўғрисида маълумот	e.tender.uzex.uz сайти орқали жойлаштирилган


Қўқон шаҳар Халқ таълим  
Бош муҳандиси

 А.Мусаев


Қўқон шаҳар Халқ таълим  
Бош мутахассиси

 Д.Раҳимов

Қўқон шаҳар Халқ таълим  
мутахассиси

 Р.Жумоев

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Кўкон шаҳар Халқ таълими  
бўлим мудирининг  Ахмедов  
“ ” 2022 йил

Танлов ҳужжатлари мазмуни :

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕНИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

- 1.1 Кўкон шаҳар Халқ таълими бўлими.
- 1.2 Танлов қиймати 67 835 762 (Олтмиш етти миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз олтмиш икки) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3 Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларини техник қисмида илова қилинади.  
**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.
- 1.5 Ишларни бажариш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1 Кўкон шаҳар халқ таълими бўлими (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили Кўкон шаҳар Озодлик хиёбони кўчаси 20а-уй.  
Эл.манзил:  
Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.  
Танлов Кўкон шаҳар халқ таълими бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйилаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети қийматининг ками 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларининг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағ миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш лозим бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рўхсат этилади.

3.4 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рўхсат берилмайди.

Қайта ташкил этилиш (ажратилиш, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевоста ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Ихтиёрларга кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этиши мумкин.

4.3 Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши шарт.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир вароқни муҳраб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4 Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5 Танлов иштирокчиси:

- Факат битта таклиф бериши мумкин
- Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиқ бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартиш киритиш ҳукуқига эга.

## **5. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1 Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларини ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 6.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби давлат буюртмачисига сўров боришга Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, Буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслик керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадихамда ундан ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.4. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.